Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 26 март, чоршанба • № 25 (10.903) • Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Одамларнинг уй-жой шароитларини янада яхшилаш, фуқароларнинг уй-жойни мулк қилиб сотиб олишга бўлган ҳуқуқлари руёбга чиқарилишини таъминлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш ҳисобига Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилиши тажрибасини республиканинг бутун ҳудудига кенг ёйиш мақсадида:

1. Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этган ҳолда номи ёзилган уй-жой облигацияларини сотиб олиш йўли билан уй-жойлар қурилиши бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошуйжойжамғармабанк»нинг иш тажрибаси маъқуллансин.

«Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 31 январдаги ПФ—1366 сон фармонинг амал қилиши республиканинг барча минтақаларига ёйилсин.

2. Тошкент давлат-акциядорлик уй-жой-жамғарма банки — «Тошуйжойжамғармабанк» муассисларининг уни Ўзбекистон давлат-акциядорлик уй-жой-жамғарма банки — «Ўзуйжойжамғармабанк»ка айлантириш тўғрисидаги Марказий банк, «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгашининг, вилоятлар ҳокимликларининг вилоят марказлари ва шаҳарларда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 20та бўлимини «Ўзуйжойжамғармабанк» таркибига киритиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон республикаси вазирлар кенгашининг раиси, вилоятларнинг ҳокимлари зиммасига «Ўзуйжойжамғармабанк» бўлимларига ҳоналар ажратиб бериш, уларни таъминлаш ва жойлаштириш билан боғлиқ барча масалалар ҳал этилиши учун жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзуйжойжамғармабанк» ва унинг ҳудудий бўлимларига фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини жамғариш, номи ёзилган уй-жой облигациялари билан операцияларни амалга ошириш, уй-жой қурилишига кредит бериш ва облигацияларнинг эгаларини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш топширилсин.

4. Қорақалпоғистон республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 1997 — 1999 йиллар мобайнида уй-жойга нисбатан вужудга келган талаб-эҳтиёжга ҳамда уй-жой қурилиши шарт-шароитларига қараб, вилоят марказларидан ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардан бошлаб аҳолининг бўш пул маблағларини, тижорат банклари муассасаларининг кредит маблағларини шунингдек, номи ёзилган уй-жой облигациялари бўйича сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 50 фоизини қоплашга йўналтириладиган бюджет маблағларини жалб этган ҳолда уй-жой қурилиши бўйича ишларни босқичма-босқич ташкил қилсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги номи ёзилган уй-жой облигацияларини фуқаролар сотиб олишларига қараб:

«Ўзуйжойжамғармабанк»нинг номи ёзилган облигациялари бўйича жисмоний шахслар томонидан сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 50 фоизи қопланишини таъминласин;

«Ўзуйжойжамғармабанк»ка юқорида кўрсатилган мақсадларда фуқароларга узоқ муддатли кредитлар бериш учун уй-жой қурилиши қийматининг 40 фоизи доирасида зарур маблағларни ажратиб берсин.

6. «Ўзуйжойжамғармабанк» номи ёзилган уй-жой облигацияларининг эгалари бўлган жисмоний шахсларга уй-жой сотиб олиш учун қарзни 10 йил муддат мобайнида узиш шарти билан йиллик 20 фоиздан ошмайдиган ставка бўйича узоқ муддатли кредитлар берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси, Ўзтелерадио, Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг бўш пул маблағларини жалб этган ҳолда уй-жойлар қуриш ва сотиб олиш борасида шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасаларининг амалий иш тажрибасини мунтазам суратда ва кенг ёритсинлар.

8. «Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида» 1996 йил 31 январдаги ПФ—1366-сон фармон 8-бандининг бешинчи абзаци ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 24 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 март.

* * *

Олий Мажлис саккизинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
2. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1996 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот.
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
4. Бож тарифи тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
6. Табиий монополиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
8. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
9. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
10. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
11. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (биринчи ўқишда).
12. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
13. Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
14. Электр энергиясидан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
15. Дори-дармонлар ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
16. Геодезия ва картография тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.
17. Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Греция Республикаси Президенти Константинос Стефанопулоснинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 31 мартдан 2 апрелга қадар расмий ташриф билан Греция Республикасида бўлади.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ:

воқеалар, хабарлар, янгиликлар



Бекобод туманидаги 47-автожамламада бешинчи разрядли токар Раҳматжон Мажонов номини касбдошлари ҳурмат билан тилга оладилар. У чорак асрдан бери шу ерда ишлаб келмоқда. Барча буюртмаларни у вақтида ва сифатли бажаради.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ФАВВОРА ИШГА ТУШДИ

БЕКОБОД металлургия комбинати маъмурий биноси олдидаги каттагина майдонда кенг кўламдаги ободончилик ишлари амалга оширилди. Бу ердаги фаввора қурилиши ҳам тугалланди. Уни барпо этишда ранг-баранг мармар, пардоз ва кошинкор тахтачалардан кенг фойдаланилди. Миллий меъморчилик усуллари қўлланилди.

Фавворадан отилиб чиқаётган об-ҳаёт атрофга салқинлик бахш этиши билан ҳавонинг мусаффо бўлишига хизмат қилади. Унинг теварагига ва дарахтлар тагига қўйилган курсилар металлурглар ва улар оила аъзоларининг ҳордиқ чиқарадиган жойларидан бири бўлиб қолди. Мазкур оромгоҳ Наврўз байрами кунларида дам олувчилар билан гавжум бўлди.

Собир ҲАМИДОВ.

ЧАНҚОВИНГИЗНИ БОСМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ

Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» хўжалиги кичик корхоналари сони яна биттага кўпайди. Бу ерда куни кеча салқин ичимликлар цехи фойдаланишга топширилди. Кичик корхонада ишлаб чиқариладиган чанқовбости ичимликлар хўжаликнинг ўзидагина эмас, вилоятнинг бошқа туманларидаги савдо дўконларига ҳам чиқарилади.

Тумандаги Мингчинор қўрғонида эса Асакада ишлаб чиқарилаётган автомашиналар билан савдо қиладиган марказ очилди. Келажакда дўкон ёнида таъмирлаш устахонаси ишга туширилади.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ ўқувчиларининг «Олимпиада-97» мусобақаларига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Вилоятимиз мактабларида ҳам иқтидорли ўқувчи ёшларнинг бу беллашуви яхши ўтди.

— ШАҲАР ВА ТУМАН мактаблари ўқувчилари олимпиадаси ғолиблари яқинда Янгийўл шаҳрига тўпланиб, турли фанлар бўйича ўз билим ва амалий кўникмаларини намойиш қилишган эди, — дейди танлов ҳайъати аъзоси, профессор Эшбой Турдиқулов. — «Олимпиада-97» мусобақасида 18 та фан бўйича 28 та команда иштирок этди. Шунингдек, вилоят туман ва шаҳарларидаги лицей ўқувчилари ҳам ўз салоҳиятларини намойиш қилдилар.

Беш кун давом этган бу беллашувга яқинда якун чиқарилиб, олимпиада ғолиблари аниқланди. Шундай қилиб, 17 нафар билимдон истеъдодли ўқувчи республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолиб ўқувчиларга вилоят олимпиадаси дипломанти ҳужжатлари топширилди.

Акбар АЛИЕВ.

ПАРКЕНТДА МУШОИРА

Наврўз кунлари Паркент тумани маданият уйида бўлиб ўтган қўшиқ ва шеърият кечаси кўплаб муҳлислар қалбида сақланиб қоладиган тадбирлардан бири бўлди. Шу куни кўпчиликка таниш бўлган Шарифа Салимова, Дилбар Маҳмудова, Замира Раззоқова, Муяссар Отажонова сингари истеъдодли шоиралар паркентлик ихлосмандлар билан юзма-юз учрашдилар, она Ватан, инсонийлик, меҳр ва муҳаббатни мадҳ этувчи шеърларидан намуналар ўқидилар.

Хонанда Муножот Тешабоева ижро этган қўшиқлар, туманда ижод қилаётган ёш хонанда ва рақсларнинг чиқишлари ҳам кечани мазмунан бойитди.

Азиз УСМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

◆ ПОЙТАХТИМИЗДА БМТнинг «Маданий-маърифий мақсадлар ва Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ривожлантириш» лойиҳаси тақдимномасига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

◆ БУХОРОДА «Гуфик-Ибн Сино» номли Ўзбекистон — Ҳиндистон — Британия қўшма корхонаси ишга тушди. Бу ерда лойиҳа қувватига эришилгач, 50 миллион киши эҳтиёжини қондира оладиган замонавий дори-дармонлар ишлаб чиқарилади.

◆ «УМИД» жамғармаси бошқаруви йиғилишида танлов асосида саралаб олинадиган 200 нафардан зиёд иқтидорли ёшларимизни 1997-1998 ўқув йилида АҚШ, Буюк Британия, Франция, Олмония ва Японияннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида ўқитиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

◆ ЎЗБЕКИСТОН — Туркия «Гулмир-дери» қўшма корхоналарининг дастлабкилари бугун-эрта тўлиқ фойдаланишга топширилади. Уларга Туркиянинг «И. Тако» фирмаси замонавий технологик жиҳозлар етказиб берди. «Гулмир-дери» корхоналарида йилига 600 минг дона тери қайта ишланади. «Ўзенгилсаноат» тасарруфидаги ишхоналарда эса улардан пойабзал, чарм курткалар, «Тико», «Дамас», «Нексия» машиналари учун ғилофлар ва бошқа маҳсулотлар тикилади. Хориждаги мижозлар ҳозирданоқ бундай буюмларга буюртма бермоқдалар.

БАРАКА УРУҒИ

Вилоятимиз хўжаликларида андижонликлар тажрибаси асосида пленка остига чигит экиш бошлаб юборилди.

Наврўз байрами ўтиши билан Пискент туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигининг деҳқонлари Ҳаким Қораев бошлиқ бригада даласига тўпландилар. Бригада 80 гектар майдоннинг 15 гектарида пленка остига чигит экишни режалаб, уруғлик ва техника воситаларини тайёр қилиб, ернинг етилишини кутиб турган эди. Ниҳоят экиш вақти етди. Жамоа хўжалиги раиси Жўрақул Отақулов ва қишлоқ отахонларидан меҳнат фаҳрийси Раҳмонберди Пирнафасов деҳқонларга омад тилаб оқ фотиҳа бердилар. Шундан сўнг механизаторлардан Бахтиёр Тўрақулов ва Тўлқин Рўзиматовлар ўғитланган, кафтдек текисланган ерда чигит экишни бошлаб юбордилар. Шу куни хўжаликнинг Ҳайдар Усмонов, Ғани Шойимов, Бекмурод Норбўтаев ва бошқа бригадаларида ҳам махсус сеялкалар ишга тушиб кетди. Куни кеча тумандаги «Пискент», Ислиддин Ҳайдаров ва Аҳмад Дўсбеков номли жамоа хўжаликларида ҳам пленка остига чигит экиш бошланди. Пискент туманида бу йил минг гектар ерда андижонликлар усулида пахта етиштирилади. Бунинг учун 25 та махсус сеялка, ҳар гектар ер ҳисобига 55 килограммдан пленка ҳозирлаб қўйилди.

Газетамиз таҳририятига Оққўрғон, Бекобод, Қуйичирчиқ, Чиноз туманлари деҳқонлари ҳам чигит экишни бошлаб юборганликлари тўғрисида дастлабки хабарлар кела бошлади.

— Бу йил вилоятимизда 12 минг гектар майдонга андижонликлар усулида пленка остига чигит экиш режалаштирилган, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассиси Турсунбой Комилов. — Бу ишга йил бошиданоқ пухта тайёргарлик кўрилди. 292 та сеялка, 660 тонна пленка келтирилиб, хўжаликларга тарқатилди. 423 та бригада бошлиқлари ва механизаторлар янги усулда чигит экиш ва пахта етиштириш тажриба мактабида ўқидилар.

Пленка остига чигит экиладиган 11 минг 172 гектар майдон ғўзапоялар ва турли хил ўсимликларнинг илдизларидан тозаланди. 7385 гектар майдон текисланиб, 4810 гектари сеялкаларнинг иш бошлашига тахт қилиб қўйилди. Экиш олдидан фосфорли ўғитлар йиллик миқдорининг 60 фоиз қисми ҳамда гектар бошига 1,5 тоннадан чиритилган ва эланган маҳаллий ўғитлар солиняпти.

СУРАТЛАРДА: Пискент туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигининг Ҳаким Қораев бошлиқ бригадаси аъзолари чигит экишни оқ фотиҳа билан бошлашди; дастлабки майдонларга барака уруғи ташланмоқда.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

БАҲОР КУТИБ ТУРМАЙДИ

БАҲОРНИНГ ҳар бир кунини ғанимат билган вилоятимиз деҳқонлари сабзавот экишни тобора авж олдирмоқдалар. Зангиота туманидаги «Наврўз», «Зангиота», «Эркин» жамоа хўжаликлари ва «Тўқимачи» ёрдамчи хўжалиги карам, пиёз, ош лавлаги экишни бошлаб юборди. Иссиқхоналарга кўчат учун карам, помидор ва бошқа сабзавот уруғларини сепиб қўйишди. Умуман, бу йил 1300 гектар ерда сабзавот етиштиришни режалаштирган Зангиота туманида экиш ишлари авжида. Сабзавотчилар шу кунгача 220 гектар майдонга карам, 35 гектар ерга пиёз, 4 гектарга саримсоқ ва 9 гектарга сабзи экдилар. Эртаги картошка экиш ҳам қизғин борянти. Тошкент тумани деҳқонлари ҳам 477 гектар ерга сабзавот, шу жумладан, 235 гектарга эртаги карам, 100 гектарга яқин ерга пиёз, 128 гектарга сабзи, 251 гектар ерга эртаги картошка экдилар.

Қибрай, Чиноз, Бўка, Юқоричирчиқ туманлари жамоа ва деҳқон-фермер хўжаликларининг деҳқонлари ҳам баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланмоқдалар. Аммо Бекобод, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Паркент, Пискент туманларидаги хўжаликларда эса аксинча, хотиржамлик ҳукмрон. Гўё бу туманларга баҳор келмагандай. Ҳатто иссиқхоналарга кўчат учун карам, помидор уруғлари экиш ҳам кечиктириб юборилаяпти.

Бу йил вилоят бўйича 11 минг 100 гектар ерда сабзавот маҳсулотлари етиштирилиши керак. Кунига 105 гектарга уруғ ва кўчатлар экилаётгани, шу кунгача эса 2122 гектар ер қўлдан чиқарилгани билан муроса қилиб бўлмайди. Экин кун санайди, деган гап бор халқимизда. Қанчалик эрта экилса ҳосил ҳам эрта етилади. Шундай экан, баҳорнинг ҳар бир ғанимат кунларидан самарали фойдаланайлик.

УМРИМИЗНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИ НАВРЎЗГА АЙЛАНСИН!

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида баҳор айёми тантаналари кенг нишонланди

ПИСКЕНТ

Наврўзга тайёргарлик юзасидан февраль ойидан бошлаб ободонлаштириш ва тозаликка жуда катта эътибор берилмоқда. 15 февраль куни шанбалик уюштирилиб, ундан тушган маблағлар Наврўз жамғармасига ўтказилди. Маҳалла оқсоқоллари турар-жойлар, хонадонлар, жамоат жойларида бўлиб, одамлар билан суҳбатлар олиб бордилар, байрам муносабати билан аҳолини бир қатор ишларни бажаришга сафарбар қилдилар. «Энг тоза кўча», «Энг чиройли кўча», «Одобли ва маданиятли ҳовли» кўриклари ўтказилди.

Охунбобоев номли марказий боғда, айниқса, тайёргарлик ишлари қизғин борди. Байрам тантаналарининг бир қисми шу ерда ўтди. Бу ерда тарихий анъаналари билан довруғ қозонган пискентлик полвонлар ўртасида катта кураш бўлди. Марказий ўйингоҳда спорт мусобақалари ўтказилди.

«Халқ ҳунармандлари ва оммавий санъат усталари асарлари кўриги» ғолиблари Наврўзи-олам тантанасида пул мукофотлари билан тақдирландилар.

— Биз ҳам Наврўз байрамининг қувноқ, шодонлик, юқори ташкилий-оммавий даражада ўтишига ўз ҳиссамизни қўшяпмиз, — деди туман деҳқончилик саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Миролим Миркомилов. — Жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ободончилик бўйича хашарлар ташкил этдилар, кам таъминланган, ночор оилалар яна бир бор аниқланди. Касаба уюшма фаоллари Наврўз куни ва унинг арафасида хонадонларда бўлдилар, бундай оилаларга моддий ёрдам кўрсатдилар, кўнгилларини кўтардилар. Пискент жамоа хўжалигида 42 оилага гўшт, пахта ёғи, макарон, гуруч тарқатилди. Навоий номли, Охунбобоев номли ва бошқа қатор жамоа хўжаликларида ҳам шундай бўлди.

ЧИРЧИҚ

Шу куни дам олиш ва истироҳат боғлари, хиёбонлар безатилган, кўчма дўконлар, умумий овқатланиш корхоналари хизматда бўлди. Турли ҳудудларда сумалак, ҳалим сингари наврўзий таомлар ҳозирланди. Албатта, санъаткорлар, бадиий ҳаваскорлик дасталари ўзларининг куй-қўшиқлари билан одамлар кайфиятини кўтардилар, байрамга файз киритдилар. Спорт иншоотлари ҳам эртадан кечгача гавжум бўлди. Барча ўйингоҳлар, ҳавзалар, очиқ майдончаларда турли спорт ўйинлари уюштирилди.

Шаҳарда байрам арафасида аҳолига турли хизмат кўрсатувчи қатор иншоотлар фойдаланишга топширилди. Учта тижорат, иккита озиқ-овқат дўконлари, битта гўшт дўкони ва дорихона биринчи марта ўз эшикларини очдилар.

Шаҳар бўйича Наврўз байрами бир кун олдин кексаларни эъзозлашдан бошланган эди. Улар учун катта ва тўкин дастурхон ёзилди. Шаҳар ҳокимлиги, турли жамоатчилик ташкилотлари ва меҳнат жамоалари уларга совға-саломлар, мукофотлар тарқатишди.

Наврўзни ўтказишга бош-қош бўлиш учун ташкил этилган шаҳар ҳайъати аъзолари қариялар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳузурига ташриф буюриб, ажратилган пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, совға-саломларни уларга топширдилар. Болалар уйларида тарбияланаётганларга ҳам меҳр-шафқат кўрсатилди.

Ҳа, Чирчиқда Наврўз шодиёналари умумхалқ байрами сифатида нишонланди. Унда турли миллат вакиллари иштирок этдилар.

ТОШКЕНТ

Туманда байрамга катта тайёргарлик кўрилди. Ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва жамоа хўжаликларида оммавий ҳашарлар ўтказилиб, тозаликка, ободончилик ишларига, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Тантаналар катта таъмирлаш ишлари амалга оширилган Келесдаги Охунбобоев номли ўйингоҳда ўтказилди.

— Роса яйрайдиган бўлдик-да, — деб узоқ-яқин қишлоқлардан кексаю ёшлар бу ерга эрта тонгдан бошлаб кела бошладилар. Байрамни ҳар жиҳатдан мароқли, мазмунли ўтказиш юзасидан пишиқ-пухта тадбирлар белгиланган эди.

Тантанани туман ҳокими Акбарали Йўлчиев очди. Шодиёналар бошланиб кетди. Буни қарангки, ёшларнинг никоҳдан ўтиш маросимлари ҳам бор экан, бахтиёр келин-куёвларни фахрийлар табрикладилар. «Аёл борки, дунё гўзал» танлови ғолиблари ҳам шу ерда мукофотландилар.

Сумалак сайли, таниқли санъаткорлар, қизиқчи ва сўз усталарининг чиқишлари, фольклор дасталарининг концертлари, спорт ўйинлари, дорбозу-полвонларнинг мусобақалари, миллий ҳунармандчилик ва таомлар тайёрлашнинг, ўзбек пазандачилигининг нафис санъати намуналари, кўргазмалари, савдо расталарининг хизмати Наврўз тантанасига алоҳида руҳ, алоҳида мазмун бағишлади. Эрталаб соат 9 да бошланган Наврўз тантаналари кеч оқшомгача давом этди.

ЎРТАЧИРЧИҚ

Ҳар йилгидан ҳам кўркам қилиб безатилган бош майдон эрта тонгданоқ гавжум бўлди. Айём очилишидан аввал бу ерга келганлар савдо, туман ёшлар техника иқтисодиёти маркази, мактаблар ташкил этган кўргазмалар билан танишдилар. Жамоа хўжаликларининг шинам оромгоҳларини томоша қилдилар. Айниқса, «Ўзбекистон», «Янги тўлқин», «Қорасув», «Ҳақиқат», «Қайтмас», «Роватак» хўжаликлари безатган шинам, ораста бошпаналар кўпчиликда ҳавас уйғотди.

Наврўзга бағишланган тантанани туман ҳокими Қаюм Деҳқонбоев очди ва айём иштирокчиларини самимий табриклади.

Сўнгра тумандаги 3-, 25-, 50-мактаблар ўқувчилари, бадиий ҳаваскорлар, тўйтепалик хонанда Санобар Сатторова, Ўзбекистон телевидениеси эстрада дастасининг қўшиқлари байрамга файз бағишлади.

Бешик, мучал тўйларини нишонлаш тадбирлари ҳам сердавқ ўтди. Шодиёна жараёнида никоҳ гувоҳномалари берилган уч нафар келин-куёвларга туман ҳокими биттадан гилам топширди.

ПАРКЕНТ

Туманда 730 килограмм гуруч дамланиб, аҳолига ош тортилди. Ундан энг олис қишлоқлардаги уйларида ётиб қолган ёлғиз кишилар, барча шифохоналардаги беморлар ҳам баҳраманд бўлдилар. Туман марказий шифохонасини қўллаб-қувватлаш учун ўтказилган марафонда 2,5 миллион сўм маблағ йиғилди. «Заркент» жамоа хўжалиги, ғишт заводи, 5-қурилиш монтаж колоннаси жамоалари бу хайрли ишга катта ҳисса қўшдилар. Туман ҳокими Туроб Холтоев жамғармага ўз шахсий маблағидан 5 минг сўм ажратди.

Айёмда тумандаги барча жамоа хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар фаол иштирок этдилар. Сайл қатнашчиларига республикамизнинг таниқли санъаткорлари ижросида концерт ва томошалар кўрсатилди.

ҚУЙИЧИРЧИҚ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманида Наврўз байрами тантаналари туман марказидаги ўйингоҳда бошланди. Туман ҳокими Қамбарали Омонов меҳнат жамоалари вакиллари, спортчилар, санъат соҳаси усталари, меҳнат илғорлари иштирок этган тантанани очиқ деб эълон қилди. Шундан сўнг туман бадиий ҳаваскорлик жамоалари ҳамда «Мўтти» ҳажвий театри санъаткорлари иштирокида катта концерт намойиш қилинди. Шу куни камхарж оилалар, боқувчисини йўқотган кексалар, меҳнат фахрийларига хайрия тариқасида моддий ёрдам кўрсатилди, касалхоналарда бўлиб, беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Байрам тантаналари меҳнат жамоаларида давом этди, дастурхон ёзилиб, дошқозонларда ош дамланди, сумалак пиширилди. Байрамдан сўнг эса «Дўстлик» жамоа хўжалиги пахтакорлари пленка остига чигит экишни бошлаб юбордилар.

ОҚҚЎРҒОН

Эрта тонгданоқ туман марказидаги сайилгоҳда карнай-сурнайлар садоси янграй бошлади, куй ва қўшиқлар таралди. Жамоа хўжаликлари, турли ташкилотлар, кичик корхоналар, деҳқон-фермер хўжаликлари вакиллари тўпланган эди бу ерда. Туман ҳокими Абдуғани Деҳқонов байрам тантаналарини очгач, спорт мусобақалари бошланди, бадиий ҳаваскорлар гуруҳлари ўз санъатларини намойиш қилдилар, халқ урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган саҳналаштирилган кўринишлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Шу куни 300 га яқин камчиқим хонадонларга хайрия совғалари ҳам улашилди. Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида эса ночор оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди, уларга совғалар берилди. Ўтказилган хайрия марафонида тўпланган 1,5 миллион сўм маблағ ободончилик ишларида фойдаланиладиган бўлди.

Суратларда: вилоятимизнинг Оҳангарон ва Зангиота туманларида бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Даврон АҲМАД ва Равшан НУРИЛЛИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН...



— Кўчат экинг, — дейди Р. Р. Шредер номли узумчилик, виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, академик, Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Мирзаев, — лекин, бу кўчатларнинг тўла-тўкис тутиб кетиши, тезроқ ҳосилга кириши ниҳолни ёшлигидан ихлос, иштиёқ, зўр ҳафсала билан парвариш қилишингизга боғлиқдир.

БАҲОР ЮМУШЛАРИ

— Маҳмуд ака, аввало, бир нарсани ойдинлаштириб олайлик, бу йилги обҳаво шароити боғдорчилик учун қандай келяпти?

— Агарда февраль ойида бўлиб ўтган совуқ айрим ҳудудларда баъзи бир мевали дарахтлар, хусусан, ўрикларга қисман зиён етказганлигини ҳисобга олмасак, ўмуман, обҳаво шароити боғдорчилик, узумчилик учун жуда қулай келяпти. Табиат буёғига ҳам тантилик қилиб берса, бу йил боғлар ҳосили мўлкўл бўлишига ишончимиз комил.

— Бунда, албатта, сиз раҳбарлик қилаётган бирлашма олимлари, мутахассислари, боғбонларининг ҳам ҳиссаси катта. Чунки, сизлар сара, сифатли кўчат етказиб беряпсизлар. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бирлашмада тайёрланаётган мева ва узум кўчатларига талаб ниҳоятда ортиб боряпти. Шундай эмасми?

— Эл-юрт ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиляпмиз-да. Чунки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари, хусусан, боғдорчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилди. Шахсий, ёрдамчи хўжаликлар, томорқа ерлари, хўжаликларда боғ-роғларнинг майдонлари кенгайиб боряпти. Биз ўз ишимизни, фаолиятимизни ана шуни ҳисобга олган ҳолда, режали асосда ташкил этиш учун интиляпмиз. Аҳолига мумкин қадар кафолатланган, сара кўчатларни етказиб бериш учун бор имкониятларни ишга соляпмиз. Бу йил меванинг 22 хил навидан 5 миллион туп, узумдан эса 3,5 миллион туп кўчатни тайёрлаб қўйган эдик. Ҳозиргача ярмини сотиб бўлдик.

— Лекин, кўчат экиб қўйишнинг ўзи билан «иш битмайди», албатта. Халқимизда боққа қарасанг боғ бўлади, қарамасанг доғ бўлади, деган гап бор. Шу маънода айни кунларда нималарга эътибор бериш керак? Ҳозир айни кўчат экиш пайти. Жуда кўп жамоалар ободончилик ишлари билан шуғулланиш, кўпроқ кўчат экиш билан машғул бўлишга аҳд қилганлар.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ. Кўчат-бамисоли мурғак боладек гап. Болани ўз вақтида сутга тўйғазсангиз, яхши парваришлаб, боқсангиз илиги тўқ, тетик ва соғлом бўлиб ўсади. Келгусида бундай фарзандлар эл иши учун фидойи бўлиб етишадилар. Мен нима демоқчи бўлганлигимни тушунгандирсиз. Кўчатни эккан кундан бошлаб унинг парваришига киришиш керак. Бу иш билан бутун йил давомида шуғулланиш лозим.

Токни олайлик. Айримлар токни уч-тўрт марта хомток қилишади. Бундай жойда узум бошлари касалликка чалинмайди, офтобдан, ҳаводан яхши баҳра олади, ҳосили тиллоранг бўлиб етилади, сершира бўлади. Бундай узумни бозорга олиб тушсангиз талашиб олишади. Айримлар токни экиб қўйишади-ю, қарашмайди, хомток қилишмайди. Албатта, бундай токларнинг узуми касалликка чалинади. Яхши пишмайди, маза олмайди, кўкимтир бўлиб етилади. Бу кимга фойда-ю, кимга зиён? Мева экиш, парвариш қилишда ҳам ана шу сингари «нозик томонларга» амал қилиш керак.

Ҳар ишнинг ўз вақти бор. Келгусида яхши, серҳосил боғ ташкил қиламан, деган боғбон мевали дарахт кўчатларини узоғи билан бир ҳафта — ўн кун ичида экиб, ернинг табиий намига ундириб олса, кўп нарса ютади.

Кейин боғдорчиликда энг муҳим нарса мевали дарахтларга шакл бериш эканлигини унутмаслик керак. Бу ишни уни биладиган одамлар амалга оширгани маъқул. Чунки, новдаларнинг ҳосил берадигани, бермайдигани бўлади. Яхши боғбон бир қарашдаёқ уни билади. Шакл берилган боғларнинг меваси офтобда яхши тобланади, йирик бўлиб етилади, қишга турадиган бўлади. Ёш боғларга шакл бериш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Агар тепага қараб ўсиб кетган новдаларни кесиб қисқартирмасангиз, ҳосил пишиб етилганда шохлар эгилиб, синади, бир иш икки иш бўлади. Хуллас, шакл беришни узоғи билан бир ҳафта ичида, мевали дарахтларнинг танасига сув югурмасдан олдин тугаллаш керак бўлади.

— Токларни қачон очган маъқул?

— Умуман, бу соҳада уста соҳибкорга маслаҳат беришнинг кераги йўқ. Лекин, тажрибалар ток очишга узоғи билан 1 апрелдан бошлаб киришиш маъқуллигини кўрсатади. Шундай қилиш керакки, куртаклар бўртиб кетмасдан очиб улгуриш керак ва ўша заҳоти ток новдаларини симбағазларга, сўриларга тарашга улгуриш зарур. Акс ҳолда ҳаво ўзгариб, совуқ бўлса зиён-захмат етиши мумкин.

— Маҳмуд ака, хафа бўлмайсизу, бир савол бермоқчиман.

— Қани, эшитайлик-чи.

— Одамлар орасида Шредердан олинадиган ноклар яхши ўсмайди, олган йилингиз ёки кейинги йили гуллаб бир-икки ҳосил берадию, кейин ривожланмайди, куриб қолади, деган гаплар юради.

— Бунинг учун ўша одамлар айбни ўзларидан қидиришсин. Аввало, ҳар ким қандай навдаги нок кўчати олганини, уни қандай парвариш қилишни яхши билиб олиши шарт. Бизда нокнинг икки хили бор. Биринчи хил кўчатлар беҳига уланган бўлади. Бундай нок кўчатлари пакана бўлиб ўсади. Нари борса, бир ярим-икки метрга етади бўйи. Бу хилдаги нокнинг ҳам ўз ишқибозлари бор. Улар биздан кўчатни олгач, унинг оралиғини икки ярим-уч метр қилиб экишади, симбағазларга тортишади, ҳафсала билан парвариш қилишади, яхши ҳосил олишади. Иккинчи хил нокнинг кўчатлари уруғидан ўстирилган бўлади. Бундай ноклар баланд бўйли бўлиб ўсади. Уни парвариш қилишнинг ўз агротехникаси, ўз йўли бор.

Гилос ҳақида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Биздаги гилослар антипкага, олчага уланган бўлади. Антипкага уланганлари сувни ёқтирмайди, куриб қолади. Олчага уланганлари анча чидамли бўлади. Хуллас, мевачилик, боғдорчилик илми ҳар кимдан, ҳар бир боғбондан, айниқса, ҳаваскорлардан ишга алоҳида меҳр билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Мен ўйлайманки, боғ-роғларга меҳр қўйган боғбонларимиз сафи йил сайин кенгайиб боради.

Суҳбатдош
Носир РИХСИЕВ.

РОҲАТИ ҲАМ, АЗОБИ ҲАМ БОР

Вилоят «Тошавтойўл» бирлашмаси, «Тошчироқ» корхонаси, шаҳар, туман ҳокимликлари, хўжалик, ташкилот, корхоналар раҳбарлари, ишбилармонлар ва тадбиркорлар

ДИҚҚАТИГА

Юртимизда Наврўз байрами тантаналари давом этмоқда. Лекин, биз бугун улуғ айём арафасида ва айни байрам кунлари кузатганимиз, йўллар ҳақида, унинг аҳамияти борасида ҳикоя қилмоқни лозим топдик. Зеро, йўллар бор экан, улар туташади, туташмаса, одамларнинг ўзлари туташтиради. Эътибор қилинг-а, «Буюк ипак йўли» қадим Мовароуннаҳри, яъни айнан Ўзбекистоннинг бутун ҳудудини ғарбга, бу томони шарққа туташтирган эди. Мустақил мамлакатимиз, хусусан, вилоятимиз ҳудудидан ўтган йўллар бугунги кунда ҳам юртимизни бир қатор давлатлар билан боғлаб турибди. Халқ хўжалигига хизмат қилмоқда. Шундай экан бу йўллар ҳамон доимий эътиборни талаб қилади.

Аммо, бизни бошқа нарса ўйга толдиради. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда таъкидлаганидек, Наврўз байрами кунлари ҳашар қиламиз, йўлларни тозалаймиз, обод қиламиз, афсуски, кейин бир йилгача ёки келгуси йил Наврўзгача бу масалага қайтмаймиз. Наҳотки, йўллардаги беўхшовлик, сочилиб ётган ахлатлар, қаровсиз дарахтлар сизнинг диққатингизни тортмайди?

Байрамдан сўнг вилоятимиз йўлларини айландик. Бироқ ўша туйғу бизга тинчлик бермади. Ўз-ўзимизга нега, деб савол бердик. Ахир, қачонгача кимнингдир буйруғи, кўрсатмаси ёки байрам бўлса, «ободончилик» бўлади-ю, кейин ишлар яна ўша-ўша эски тос, эски ҳаммомлигича қолаверади? Ахир шу йўллардан ҳар куни ўтамиз, яна қайтамиз...

Наврўз асносида, гарчанд анча ишлар амалга оширилган бўлса-да, йўлларни бугунги кун талабида, деб айтолмаймиз. Яқинда хизмат вазифаси билан олмониялик бир меҳмонни Олмалиқ шаҳрига олиб бориб келишга тўғри келди. Тошкентга қайтганимиздан кейин, олмон дўстимизнинг таассуротларини сўрадик. У киши табиатимиз гўзаллигига, одамларимиз меҳнаткашлиги-ю, меҳмондўстлигига тасанно ўқиди-ю, йўлларимиз мақтовга лойиқ эмаслигини яширмади. Дўст ачитиб гапиради, деганларидек, ушбу мақола ғояси олмон дўстимиз гапларидан сўнг туғилганди. Тўғрироғи, айнан шу воқеа бизни жамоатчилик эътиборини бу масалага қаратишга ундади. Вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ҳам худди шундай таклифни ўртага ташлади. Шу тариқа вилоят ИИБ ДАНБ билан ҳамкорликда текширув уюштирдик.

ЙЎЛ БЎЛСИН, ДЎСТИМ?..

САФАРГА отланганда, иложи борича равон йўллардан юришга ҳаракат қиламиз. Бу бежиз эмас. Ҳайдовчи кайфиятига теварак атрофнинг ҳолати, шубҳасиз, таъсир қилади. Наврўз байрами арафасида, ҳатто, тупроқ кўчаларга ҳам сув сепилиб, чиройли тартибланади. Кузатув жараёнида бизни шундай кунларда ҳам «боқибеғам»лар борлиги ажаблантирди. «М—34» рақамли Душанбе—Тошкент йўлининг 19 чақирими Янгийўл туманидан ўтган. Йўл бўйида тўда-тўда ахлатлар, болтурги ҳазонлар, ётиши-ку майли, шундоқ йўл устига гўнг тўкилганлигига, дарахтлар буталмаганига нима дейсиз? «М—39» рақамли йўлнинг шу туманга қарашли ҳудудида эса бекордан-бекорга қаққайиб турган симёғочларни, ярим ёнган тўнкаларни, йўлнинг ҳуснига «ҳол бўлиб тушган» вагон-дўконларни кўриб, улар шаънига фақат «тасанно» ўқийсиз, холос. Бундай «ажойиб» манзарани «Бекобод» йўлида ҳам тез-тез учратасиз. Олмалиқ ёки Ангрен йўлларида ҳам шу тахлитдаги «қиёфа»ни кўрасиз.

Қишлоқларнинг «жин кўчалари»ни ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қиламиз. Дейлик, Чиноз туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалигига йўлингиз тушди, йўл бўйларидаги дов-дарахтларга сачраган лой чапламаларини, Бўка тумани марказидан бошқаверишдаги автомобиль йўллари бошқармасига қарашли уч қаватли ташландиқ бино атрофидаги паға-паға булутни эслатувчи ахлат уюмларини, абгор ҳолдаги сой бўйини, албатта, илғайсиз.

Сафар давомида таҳсинга сазовор жойлар ҳам назардан қолгани йўқ. Хусусан, кўшни Сирдарё вилояти йўлсозларидан ўрнак олаётган Чиноз тумани ҳокимлиги, ДАН ходимлари, йўлчилар биргаликда «М—39» рақамли йўл устида салмоқли иш бажаришаётган экан. 23 чақирим йўлнинг иккала томонига ҳам терак ниҳоллари экилган, йўл бўйи тозаланган, симёғочлар ўрнатилиб, кўчани ёритиш чироқлари кўпайтирилаётган эди. Яна Эрназаров номли жамоа хўжалиги ҳудудида йўл устига барча шароитлари мавжуд, миллий тусдаги савдо ва хизмат кўрсатиш растаси қуриб, ишга туширилаётганди.

Бекобод йўлидаги Пискент тумани ҳудудида жойлашган 2-алоҳида рота йўл-патрул хизмати вакилларига тегишли ДАН масканида ҳам қизғин иш жараёнининг гувоҳи бўлдик. Маскан миллий тусда қайта таъмирланган, йўл бўйи кенгайтирилиб, иккала томонидан ҳам пиёдалар ўтиш жойи қурилган, тўсиқлар, симёғочлар, тунги чироқлар ўрнатилган, бир ярим минг туп терак экилган. Йўл ёқасидаги икки таноб ташландиқ ерга ҳам мингта терак, мевали дарахт кўчатлари ўтқазилаётганди. Ана, ҳақиқий ўрнак олса арзийдиган манзара. Афсуски бундай жойлар кам, жуда кам...

КАТТА ЭКАН МУАММОЛАРИ

ЙЎЛНИНГ ўзига хос жиҳатларидан бири — йўл белгилари, йўналишлар ва жой номларининг қоида асосида кўча бўйларида туришидир. Мабодо, белги бўлса-ю, ҳайдовчи унга риоя қилмаса, жазоланади ёки йўналиш манзилини билмаган ҳайдовчи кўрсаткич тахталаридаги лавҳадан нишон олади. Аммо, бу белги ёки кўрсатиш тахталари замонавий талабларга жавоб бермаса, жойига ўрнатилмаган бўлса, ким жавобгар? Шубҳасиз, вилоят «Тошавтойўл» бирлашмаси-да... Бу борадаги камчиликларни тугатиш, кўрсатиш белгиларини лотин алифбосида ёзиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Лекин, ишнинг сифати паст. Масалан, лотин алифбосидаги жой номлари ёки йўналиш белгилари аниқ бир андозада ёзилмаяпти, ҳарфлар ингичка, кўринмайди. Йўл белгилари ҳам тўсинга қадалиши керак, аммо, кўп жойларда белгилар ерга ташлаб қўйилган. Чақирим (км)ларни кўрсатувчи белгилар деярли йўқ, ҳисоби. Олмалиқ йўлидаги белгилар эскирган. Бекобод йўлида айрим белгилар умуман йўқ, тўсинлари турибди, холос. Айрим белгилар ёки йўналишларни кўрсатиш қўлда «яхшилаб» чизилган. Ахир бу йўлдан меҳмонлар, дўстлар ўтади. «Моҳирона» чизилган йўл белгиларига қараб, ҳайрон бўлмайдими? Айниқса, бу ҳолат Бекобод йўлида яққол кўзга ташланади. Шунингдек, бу белгилар тунда «кўринмайди». Ҳайдовчи йўлни кузатиб кетсинми, машинани тўхтатиб, белгини кўрсинми?

Оҳангарон йўлида яхши ниятлар билан бўяб, осиб қўйилган йўл белгисини тунда илғамадик. Тунги нур қайтаргичларсиз уларни яқин бориб, аранг танидик. Ахир, йўл белгилари ўйинчоқ эмас-ку. Бу ҳақда бир туман ҳокимига мурожаат қилганимизда, у киши «йўл менга қарамайди», деди. Ё, тавба, 19 чақиримлик давлат аҳамиятига эга йўл туман ҳудудидан ўтса-ю, бу йўлни «менга тегишли» эмас деб турса, қандай тушуниш мумкин?! Хўп, бу йўл қайсидир ташкилотга тааллуқлидир, бироқ туман ҳудудида бўлгач, туман ҳокимига ҳам тегишли-да, бу йўли тушмагур. Ахир, туманга шу йўл орқали маҳсулот келади, жўнатилади, қаёққадир борилади. Хуллас, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ҳудудларидаги йўлга ҳам бурчли эканликларини унутмасин-да.

НОСОЗИ — ТАШВИШ

ТОШКЕНТ вилоятида жами бўлиб 13 минг 115 чақирим йўл бор. Шундан 262 чақирими халқаро, 1628 чақирими давлат аҳамиятига эга. Гапириш нечоғлик ноқулай бўлмасин, 1996 йили шу йўлларда 1457 та йўлтранспорт ҳодисаси рўй бериб, 290 нафар киши ҳалокат туфайли оламдан кўз юмди. 1707 нафари эса турли жароҳатлар билан шифохонага ётқизилди. Шу йилнинг ўтган икки ойида 144 та автоҳалокат содир бўлди. 27 киши ҳалок бўлди. 161 киши тан жароҳати олди. Масалан, шу йилнинг 5 февралида кечқурун соат 20.15 да «Тошкент-Чимён» йўлининг 45-чақиримида ҳайдовчи Абдумалик Худойберганов ўзига қарашли «РАФ-2203» русумли Х37-21 ТН рақамли машинада пиёда М. ни «уриб» юборди Орадан икки кун ўтиб, 7 февралда ҳайдовчи Ислом Пўлатов «Соҳибкор» ширкат хўжалигига тегишли «ГАЗ-52» русумли 31-20 ТШС рақамли машинада кечқурун соат 19 да «Дўстлик — Жумабозор — Қизилтоғ» йўлининг 9-чақиримида автоҳалокат содир қилди. Натижада, икки киши ҳаётдан кўз юмди. Мисоллардан кўриниб турибдики, ҳодисалар асосан тунда содир бўлмоқда.

Ҳолбуки, шаҳарларда ва туман марказларида кўчалар ёритилган, аммо, йўлларимизнинг 60 фоизи тунда ёритилмаслиги ҳам рост. 10 минг чақирим йўлимиз эса носоз. Йўл қопламаси кўчиб, сон-саноқсиз ўйдим-чуқурлар ҳосил бўлган. Бу борада истаган кўча ёки йўлдан мисол келтиришимиз мумкин. Не умидлар билан тикланган Бекобод, Тошкент денгизи айланма, Оҳангарон, Янгийўл, Бўка йўлларидаги тунги чироқ симёғочлари «бекор» турипти. Ё, ёритиш ускунаси олиб ташланган, ё лампа қайсидир шоввознинг «мерганлиги» билан синиб, осилиб қолган. Бундай, «қуруқда» сўппайиб турган «қурғур»ни ё бошқа жойга ўтказиб ўрнатиш керак, ё «ясантириш» лозим. Шу боис кўп ҳолларда автоҳалокатлар тунда содир бўлмоқда. Йўловчи, суриниб четда юришдан кўра, автомобиль ёруғлигидан «фойдаланиш»ни афзал кўради. Ҳайдовчи эса текис йўл «ахтариб» рулни уёқ, буёққа буради. Қарабсизки...

Биз кузатув давомида кўнгилдагидек фаолият кўрсатаётган «автоэҳтиёткисмлар» дўконини, автохизмат тармоғини учратмадик. Ёки, нега рисоладагидек дам олиш маскани, карвонсаройлар, тамаддиханолар йўқ? Нега, қачон чақирим йўл бўйларига дарахт экилмаган? Агар 13 минг 115 чақирим йўлнинг ҳар қадамига бир тупдан, дейлик, терак ёки мевали дарахт эксак, қанча муаммо ўз ечимини топарди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси кони фойда-ку. Аммо, фойдани фақат ўз чўнтагимиз «қаппайиши» ҳисобига йўқотмаслик керак. Хўш, йўл бўйида сартарошхона, дўкон, ошхона очган ишбилармон нега йўл ҳақи эвазига 500-600 метр йўл ободлигини, тунда ёритилишини таъминламайди? Нега кўча бўйидаги кўримсиз иморати ёки вагон-уйчани, арматуралар, тунукалардан ясалган «қўлбола» растани миллий кўринишдаги чиройли бинога айлантирмайди? Бизнингча, ишбилармонлар ўз «қобиқларидан чиқишса», дунёга зийракроқ боқишса яхшироқ бўларди.

Йўл бўйларида ишбилармонлик билан шуғулланувчи кишиларни автомобил йўллари вилоят бирлашмаси ҳамда «Тошчироқ» корхонаси вакиллари ҳамкорликка чорласа бўлмасмикан? Шунда йўл белгилари, йўлларни тунда ёритиш масалалари бир қадар ўз ечимини топармиди?

Бундан ташқари йўл белгиларига тунда нур қайтариш тасмасини тайёрлаш ёки йўл белгиларини бевосита тунда нур қайтаргич ҳолида ясаш бўйича чет эл тадбиркорлари билан кўшма корхона очиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки, кўшни республикаларга ҳам шундай тасма асқотади. Қолаверса, у ҳам эскиради, янгилаш учун эса яна кўшма корхона қўл келади. Кейин, йўл белгиларини, йўналиш кўрсаткичларини вилоят бўйича бир хил андозада, чиройли ёзишни ташкил қилиш мумкиндир, ахир.

Ўртачирчиқ туман йўлида реклама тахталари бор. Бу тахталардан тушадиган сармоя кимга фойда келтирмоқда? Шундай реклама тахталарини барча йўлларимизда қўлласак, бўлмасмикан?

Яна бир муаммо. Дейлик, барча туманларда асфальт корхонаси бор. Йўлларимиз эса носоз. Демак, асфальт қопламаси ишлаб чиқаришнинг сифати ва уни «касалланган» йўлга расамади билан ётқизиш масаласи «чатоқ».

ИНТИҲО

ХУЛОСА ўрнида нима ёзишни узоқ ўйладик. Сўнг, пайғамбаримиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассалам жанобларининг бир Ҳадиси ёдга тушди: «Йўлда турманглар, турсангиз, йўлнинг ҳаққини тўлаб қўйинглар...» Йўлнинг ҳаққи нима ўзи? Аввало, саломлашиш, бировни ғийбат қилмаслик, йўлда ўзининг яхши хулқини намоён этишдир. Қолаверса, йўлга ҳурматсиз, уни ифлослантираётган, йўл бўйидаги дарахтларни синдирганларни инсофга чақириш, одамлар юрганда ҳалақит бериши мумкин бўлган тўсиқлар ёки нарсаларни бартараф қилиш ҳам шу юмушлар сирасига киради. Йўлдаги носозликлар эса биргалашиб тугатилади. Зиммамиздаги ана шу бурчни адо этяпмизми? Айниқса, бу бурч ҳокимларга, йўлсозларга, чироқ усталарига кўпроқ тушади. Чунки, бугунги кунда техникасиз ҳеч бир ишни мукаммал уддалаб бўлмайди. «Тошавтойўл» бирлашмасида эса асфальт ишлаб чиқариш корхоналари, техникаси, минглаб йўлчилари бор. Имконият мавжуд. Маблағ топишнинг ҳам йўллари кўп. Хўш, реклама тахталаридан, йўл бўйига экилган дов-дарахтлардан, очилажак хизмат кўрсатиш тармоқлари, карвонсаройлар, ошхоналар, ҳаммомлар, техник хизмат шаҳобчалари, дўконлардан маблағ тушмайдими? Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, дейдилар. Ахир, баҳона қидирмай, имконият ахтарсак, кўпроқ муваффақият қозонмаймизми? Нега, бу улуғ ишда маҳаллалар, хўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари, ҳар бир фуқаро четда туриши керак? Нега, маҳаллаларда ташаббус кўрсатилмайди? Агар, маҳалла аҳли ишбилармонларни, раҳбарларни даъват этса, ҳамма ишни рўёбга чиқариш мумкин деб ўйлаймиз. Фақат истак бўлса бас. Ахир бор-йўғи 13 минг 115 чақирим йўлимиз мавжуд. Биттадан ниҳол эксак, йўл бўйи боғ-роққа, биттадан ғишт қўйсак дўкон, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари-ю карвонсаройларга айланиб кетади. Агар кенгроқ мушоҳада қилсак, уйимизда, ўзимизда, теварагимизда олам жаҳон маблағ бор. Масалан, иқтисодий барқарорлик учун маҳалла гузарини, айнан йўл бўйида ташкил этиш, жамоа хўжалигининг шарбат тайёрлаб сотиш дўкончасини очиш мумкин эмасми? Ҳаммасининг иложи бор. Келинглар, азизлар, шундай қилайликки, йўлларимиз равон, кўркам, гўзал бўлсин. Кўрган одам баҳра олсин, ҳавас қилсин!..

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Баҳодир ЭГАМБЕРДИЕВ,
вилоят ИИБ ДАНБ тарғибот бўлими бошлиғи, милиция капитани.

...ЖЎРАБОЙ АКА ҳозиргина босмадан чиққан газетани синчиклаб кўздан кечирди. Саҳ..фалаш сифати, сарлавҳалар, безаклар, ҳатто оддий чизиқларнинг жойлашуви ҳам унинг ўткир нигоҳидан четда қолмади. Ишдан кўнгли тўлди, чамаси, шундан кейингина унга зимдан қараб турган устага босишни бошлайвер, деган маънода имо қилди. Босма машинаси бир маромда ишлай бошлади. Нашрдан чиққан газета нусҳалари пешма-пеш ўз ўқувчиларига жўнатила бошланди. Таъбир жоиз бўлса, элга маърифат, маънавият «сабоқлари» йўл олди...



ЖЎРАБОЙ АКАНИНГ «МИЛЛИОНЛАРИ»

Қутлов

...Ҳа, биз муболаға қилмадик. Халқимизга ана шундай маънавият, маърифат улашиб келаётган омиллар орасида ноширлик ва матбаачиликнинг ўрни алоҳида. Зеро, босмахонада чоп этилаётган газета, китоб ва бошқа нашрлар элни юртимизда юз бераётган ўзгаришлардан воқиф қилади, кишиларга зиё тарқатади, билим беради, улар дунё- қарашининг кенгайишига хизмат қилади.

Мана қирқ бир йилдирки, Жўрабой Аширов ана шундай маънавият, маърифат масканида масъулиятли ва машаққатли касбни эъзозлаб, эъзозлабгина эмас, матбаачилигимизнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Кечагидек, эсимда, — дейди Жўрабой Аширов ўтган йилларни эслаб, — 1956 йилнинг ўрталарида шу босмахонага оддий ҳарф терувчи бўлиб келган эдим. Сўнгра газеталарни саҳифаладим. Ана шунда бу касбнинг мураккаб, айни замонда юртимизга, халқимизга катта наф келтиришини ҳис этдим. Шу-шу матбаачиликнинг сир-асрорларини ўрганишга, босмахонамизда нашр этилаётган ҳар бир маҳсулотнинг сифатли бўлишига ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Дарҳақиқат, изланиш, ўқиш, тажриба ошириш зое кетмади. Жўрабой Аширов Ўртачирчиқ туманларо босмахонасида ўн йил уста бўлди. Мана, ўттиз йилдирки, ушбу жамоага раҳбарлик қилиб келмоқда... Бошқа маҳсулотларни қўйиб турайлик. Бу ерда ўтган йиллар давомида нашр этилган газета нусҳаларининг ўзи шунчалик кўпки, уларни бир-бирига боғласангиз, ойга уч маротаба бориб-келиш мумкин бўларкан. Демоқчимизки, ўша газеталарда Жўрабой Ашировнинг қўл излари, қалб қўри, кўз нури бор.

Жўрабой ака табиатан камсуқум, камтар инсон. Шунинг учун бўлса керак, ютуқлари, қувончли кунлари ҳақида сўрасангиз, тезда гапиравермайди. Аммо, устози, узоқ йиллар вилоят матбуот бошқармасига раҳбарлик қилган, марҳум Қобилжон Узоқовни фахр билан эслайди.

— У киши бизнинг ҳақиқий ғамхўримиз эди. Қандай муаммо юзага келмасин, Қобилжон ака билан маслаҳатлашиб, ҳал қилардик. Босмахонамизнинг бугунги даражага келишига Зиёд Есенбоевнинг ҳам хизматлари катта. Уларнинг саъй-ҳаракати билан биноларимиз эски бўлсада, замонавий ускуналар ўрнатилди. Ҳозирги кунда бу ерда Пискент туманининг «Меҳнат байроғи» ва Ўртачирчиқ туманининг «Машъал» газеталари нашр этилмоқда. Бундан ташқари китоблар, турли нашр маҳсулотлари ҳам мижозларимизга вақтида етказиб берилаётир.

Бозор иқтисодиёти барча соҳалар қатори нашриёт-матбаачиликка ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади, албатта. Ана шундай шароитда янгича ишлаш, тадбиркорлик билан фаолият юритиш туфайлигина бу босмахона ўзининг мавқеини сақлаб қолди. Иқтисодий кўрсаткичлар пасаймади. Узоққа бормайлик, биргина 1996 йилги натижаларга назар ташлайлик. Салкам 6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Рентабеллик 58 фоизга етди. Соф фойда 1 миллион 900 минг сўмдан ошди.

Буюртмани ўз вақтида бажариш, маҳсулот сифатини ошириш босмахона жамоаси учун бош мезон. Зеро, моддий манфаатдорлик, даромад ҳам шунга яраша бўлади. 1996 йилда бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 4776 сўмни ташкил этди. 1997 йилнинг ўтган 3 ойида эришилган натижалар ҳам янада салмоқли бўлмоқда. Ҳозир ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 5440 сўмдан ошди.

Биз бу рақамларни бежиз келтирмадик. Чунки, ушбу натижаларга эришишда босмахона раҳбари Жўрабой Ашировнинг ўрни ўзгача. Шунинг учун ҳам ким билан суҳбатлашманг, Жўрабой ака ҳақида яхши гапларни эшитасиз. Айниқса, унинг самимийлиги, инсонийлиги тўғрисида фахр билан гапиришади.

Жўрабой Аширов нафақат меҳнатда, балки, ҳаётда ҳам муносиб из қолдираётган инсонлардан бири. У тўққиз фарзанднинг отаси. Ўғил-қизлари ҳам ўзи сингари элюрт иши учун фидойи бўлиб вояга етишди. Уларнинг ҳаммаси халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилиб келишмоқда.

Бугун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жўрабой Ашировнинг хонадонида катта тантана. Оила аъзолари, яқинлари, дўстлари унинг 60 ёши билан қутламоқдалар. Биз ҳам ҳамкасбимиз, матбаа ишининг фидойиси ва фахрийси Жўрабой Ашировни қутлуғ айём билан чин дилдан муборакбод этамиз. Унга масъулиятли, айни вақтда, машаққатли ишида муваффақиятлар тилаймиз... Ҳамиша соғ-саломат бўлинг, умрингиз қувончларга чулғанаверсин, Жўрабой ака, деймиз.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Фан ва техника янгиликлари

ЧЎПОННИНГ ЧИРОҒИ

Ўзбекистон Фанлар Академияси «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари яратган қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган трансформаторларнинг дастлабки нусхалари истеъмолчиларга жўнатилди. Унинг оғирлиги турига қараб 12 килограммгача бўлиб, кундузи қуёш нуридан «тўйингач» 100 ваттгача қувват беради. Бу эса чўпон ўтовини электр билан таъминлаш, турли хил ихчам электр ускуналарини ҳаракатга келтириш ҳамда машина аккумуляторларини қувватлантириш имконини беради.

ФОСФОГИПСДАН — ЎҒИТ

Республика Фанлар Академияси Ўғит институти олимлари ва шу соҳа мутахассисларининг фосфогипс устида олиб борган изланишлари яхши самара берди. Таркибида олтингугурт, кальций, фтор, фосфор ва мелиорант моддалари бўлган янги ўғит Бухоро, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида синовдан ўтказилганда пахта, бошоқли дон ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги бирмунча ортганлиги аниқланди. Шунингдек, унинг шўрланган ерларда етиштириладиган пахта ва бошқа ўсимликларнинг тузга чидамлилигини ошириш, тупроқ таркибини бойитиш хусусиятига эга эканлиги ҳам маълум бўлди.

Олмалиқ, Самарқанд ва Қўқон аммофос заводлари ҳудудида тўпланиб қолган фосфогипс янги ўғит учун хомашё бўлиб хизмат қилади.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

ЯНГИЧА ИШЛАШ САМАРАСИ

ОЧИҚ ТУРДАГИ ҳиссадорлик жамияти шаклида ишлаётган бу автотранспорт корхонаси жамоаси салкам ярим асрдан бери йўловчилар хизматида. Уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўн икки миллат вакилларидан ташкил топган 1100 нафар транспортчини ўз сафига бирлаштирган байналмилал жамоа кейинги йилларда анча самарали ишламоқда.

Пайчилик жамоаларида

Корхонанинг очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айланиши бунинг асосий омили бўляпти. Хўжаликни юритишнинг бу усули ҳар бир транспортчининг, у оддий ҳайдовчи ёки корхона раҳбари бўлмасин жамоа меҳнати натижаси учун масъулиятини кескин оширди. Эндиликда уларнинг ўзлари корхона эгалари бўлиб қолдилар. Шундай бўлгач, самарали ишласалар, бундан биринчи навбатда ўзларининг моддий манфаатдорликлари юқори бўлмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти салкам юз мингта акциялар чиқарди. Уларнинг аксарият кўпчилиги давлат ихтиёрида қолган бўлса ҳам анчагина қисми ишчи-хизматчилар ўртасида тарқатилди. Корхонада узоқ муддат давомида узлуксиз ишлаган ўнлаб ҳайдовчилар, таъмирловчилар, муҳандислар ва техниклар бепул ва имтиёзли акциялар олдилар. Умуман жамоанинг улуши 9 фоизни ташкил этди. Бу йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Акцияларни ҳамма баҳоли қудрат харид қилди. Уларнинг яхши даромад манбаи бўлишини тушунган ва ҳис қилган транспортчилар кўплаб сотиб олдилар. Эндиликда бундан сезиларли миқдорда фойда кўришаяпти. Ўтган йилнинг биринчи ярмида ҳар бир акция ҳисобига 21 сўмдан кўпроқ дивиденд тўланган бўлса, учинчи чоракда бу кўрсаткич деярли 24 сўмни ташкил этди. Салкам 9000 та акцияни сотиб олган жамоа олган дивидентнинг жами ҳажми қанча бўлганлигини ҳисоблаб чиқиш қийин бўлмаса керак.

Жамоа аъзоларининг фаолияти натижаси йилдан-йилга самарали бўлиб бормоқда. Айниқса, улар ўтган хўжалик йилида баракали ишладилар. Белгиланган режани барча асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб адо этдилар. Умуман, йиллик режа муддатидан бир ой илгари бажарилди. Олинган соф фойда 22 миллион сўмни ташкил этди. Транспортчилар меҳнат фаолияти давомида бирор йилда ҳам бундай юқори натижага эришмаган эди.

Корхонада юзлаб турли русумдаги автомашиналардан фойдаланилмоқда. Уларнинг доимий соз ҳолда бўлишини таъминлаш ниҳоятда мушкулдир. Лекин, корхона раҳбарлиги автомашиналарнинг 80 фоиз атрофидагиси доимий йўналишлар бўйича қатнашини таъминламоқда. Бунинг учун аввало транспорт воситаларининг техник қаровини пухта ташкил этиш керак. Кўплаб талаб қилинадиган эҳтиёт қисмларни етарли миқдорда бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Айниқса Россиядаги турдош корхоналар билан ҳамкорликни кучайтириш йўлида тиним билинмаяпти. Уларга турли хил мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш ҳисобига зарур деталлар ва эҳтиёт қисмлар олинмоқда. Айниқса, Барнаул, Екатеринбург, Курган, Тюмень ва бошқа шу каби шаҳарлардаги турдош корхоналар билан яқин алоқа ўрнатилди.

Транспорт воситаларини таъмирлаш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларнинг ечилишига корхона ихтирочилари ҳам ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшмоқдалар. Улар ўзларининг ижодий изланишлари билан биргина ўтган йили 24 та янгиликни жорий қилдилар. Бунинг натижасида қатор жараёнлар енгиллашди. Жами 20 минг сўм маблағ тежалди.

Корхонада ихтирочилар сафи кенгайиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Бу ҳам муайян даражада мулкка эгалик қилишнинг замонавий шакли қарор топаётганлиги натижасидир. Шу кунларда турли касб эгалари бўлган 30 нафарга яқин ижодкор транспортчилар тинимсиз изланиш олиб бормоқдалар. Электрчилангари В. Данилов, пайвандловчи М. Танабердиев, токарь М. Язикбоев, ишчи А. Кравцов, муҳандис Б. Исмоилов, механик И. Лукянчик ва бошқа ихтирочиларнинг қимматли таклифлари автомашиналарни таъмирлаш муддатларини тезлаштириш, сифатини ошириш, таннархини камайтиришга олиб келмоқда. Янгилик изловчиларнинг саъй-ҳаракатлари муносиб тақдирланмоқда. Уларга тўланган жами мукофот пули ҳажми 12 минг сўмдан ортиқроқни ташкил этди.

Қурилаётган даромад ва олинаётган фойданинг кўпайиши натижасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларига маблағ ажратиш йил сайин ортиб бормоқда. Бу ерда транспортчиларга хизмат кўрсатувчи турли шоҳобчалар ишлаб турибди. Ошхона, чойхона, сауна улар хизматида. Дам олиш хоналари мавжуд. Ҳозирги вақтда корхонанинг 1-, 2- ва 3-жамламалари жамоалари учун майиший хизмат кўрсатувчи бинолар қурилиши ниҳоясига етказилаяпти.

— Автомашиналарни, ҳатто энг зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги қийинчиликларни бироз бўлса ҳам бартараф этиш учун деталларни бевосита республикамизда тайёрлашни йўлга қўйиш лозим, — дейди «Ангрен» автотранспорт корхонаси очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси А. Калиниченко. — Чунончи, трактор ва экскаватор ишлаб чиқарувчи заводларимизда амартизаторлар, дизел автобуслари учун ёнилги аппаратлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳақида ўйлаб кўриш вақти келди. Бизнингча, уларда шундай имкоятлар бор. Агар бу муаммо ижобий ҳал қилинса, транспорт воситаларини таъмирлашдаги қийинчиликлар анча енгиллашган бўларди.

Мутал МУҲАМЕДОВ.

XII Тошкент халқаро кинофестивали олдидан

НАСИБ ЭТСА, СОВҒАМИЗ БОР

Даврон АБДУЛЛАЕВ, кинорежиссёр

— Тўйга тўёна билан бориш — халқимизга хос удум. Шундай экан, ҳар бир киносанъаткор халқаро киноанжуманни иждоддаги ўз ютуғи билан кутиб олишга ҳаракат қилади.

«Ёғдуфильм» киноассоциациясида биз суратга олишга киришаётган «Чапани Раж Капурим» фильми ҳам XII Тошкент халқаро кинофестивали учун муносиб совға бўлса ажабмас.

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раҳнамолигида, Ҳиндистон билан ҳамкорликда яратилаётган бу картина қашқадарёлик шоир Хайрулла Эргашев сценарийси бўйича ишланмоқда. Шуҳрат исмли йигитнинг ажойиб-ғаройиб саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилиш орқали муҳаббатни мадҳ этувчи бу фильм мусиқага, қўшиқларга бой. Ундаги бош ролларни ёш эстрада хонандаси Отабек Мадраҳимов ва раққоса Сўғдиёна Исроилова ижро этишади. Қолган ролларга Мурод Ражабов, Ботир Муҳаммадхўжаев, Обид Асомов, Саида Раметова, Ойбарчин Бакирова, Дилбар Икромова, Мадина Мухторова, Муқаддас Холиқова, Жамол Хошимов, Фарҳод Худойбердиевлар таклиф этилган. Фильмда Ҳиндистондан ҳам актёрлар қатнашиши кўзда тутиляпти.

Айтмоқчи, Рустам Маҳмудов шоир Хайрулла Эргашев шеърларига бастаган фильм қўшиқларини Отабек Мадраҳимовнинг ўзи ижро этади. Насиб этса, «Чапани Раж Капурим» фильмини кинофестиваль экранига тақдим этиш ниятимиз бор.



КЎТАРИНКИ РУҲ, ДЎСТОНА КАЙФИЯТДА

Рустам САЪДУЛЛАЕВ, актёр

Мени бир нарса қувонтиради. Президентимиз республикамиз киносанъати ривожига, унинг халқаро миқёсдаги ўрнини топишига алоҳида аҳамият бераётгани — бу биз учун катта гап. Тарихимизда ўчмас из қолдирган шахслар ҳақида йирик киноасарлар суратга олинди ва олинмоқда. Киносанъаткорлар ҳориждаги киноанжуманларда, танловларда иштирок этишмоқда. қолаверса, мана, навбатдаги Тошкент халқаро кинофестивалини ўтказиш арафасидамиз.

XII Тошкент халқаро кинофестивали республикамиз пойтахтида бўлиб ўтган авваги кинокўрикларнинг энг яхши анъаналарини сақлаб қолган ҳолда, мустақил ёш давлатимизга хос янги қирралар билан бойийди, деб умид қиламан.

Меҳмондўст халқимиз турли мамлакатлардаги кинематограф усталарини байрамга чорлаяпти. Бу тадбир кўтаринки руҳда, дўстона кайфиятда ўтишига, бизнинг ва юртимизга ташриф буюрувчиларнинг миллий киносанъатини ўзаро бойитишига, маданиятларимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшишига ва энг асосийси, киномуҳлислар учун бир олам қувонч бағишлашига ишончим комил.

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Огоҳ бўлинг

ҲАР КУНИ вилоятда 7 та ёнғин содир бўлиб, баъзан одамлар ҳалок бўлаяпти, десак, ажабланманг. Шу йил 10 март кунига қадар вилоятимиз ҳудудида содир бўлган ёнғинлар сони 418 тани ташкил этди. Март ойининг ўн куни мобайнида 46 та ёнғин чиқиб, етти киши ҳалок бўлди. Уларнинг икки нафари ёш болалар эди.

Ёнғинларнинг асосий сабаблари — электр асбоб-ускуналари, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, газ асбоб-ускуналарини назоратсиз қолдириш ва нотўғри ишлатиш бўляпти.

Ёнғин — офат, лекин, гоҳо бунга ўзимиз сабабчи бўляпмиз. Тахлил шуни кўрсатадики, ёнғинларнинг 96 фоизи инсонларнинг айби билан содир бўлмоқда.

Вилоят ҳамда ҳудудий ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари фуқароларга фалокатларнинг олдини олиш, кўрсатмалар бериш, суҳбатлар ва тарғибот ишларини бир зум ҳам тўхтатмаётирлар. Телекўрсатувлар тайёрланмоқда, радио орқали суҳбатлар уюштирилмоқда, матбуотларда мақолалар чоп этилмоқда. Бироқ ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари қанча ишлар қилишмасин, фуқароларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилмас эканлар, бу кўнгилсиз ҳодисалар сони камаймайди.

Ҳурматли ҳамюртлар! Ёнғиндан сақланиш тартиб қоидаларига риоя қилинг.

Ўлмас МУЗАФФАРОВ, Тошкент вилояти ИИБ ЁСБ муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.

«ЖОДУГАР»

БЎЗСУВ бўйидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшайдиган бу бақалоқ хотин ҳақида ёзаман, деб ҳеч қачон хаёлимга келтирмаган эдим. Бир қарашда ёзишга арзигулик гап йўқдек. Бироқ унинг тутуриқсиз қилмишларидан кўз юмиб кетавериш ҳам инсофга тўғри келмаскан...

Салима номли бу аёл қизалоқлигидаёқ антиқа «илму амал»ни касб қилиб олган экан. Яъни, унча-мунча одамни ўзича жодулаб қўярмиш. Хоҳлаган одамини ўзига ром қилармиш, кўзига хунукроқ кўринганларни «бош оғриғи»га гирифтор этармиш... Кимларнингдир оиласини тўздириб юборишга, қилаётган ишидан қўлини совутишга, тўғри йўлдан адаштиришга қодир эмиш. Бунақа «илму амал» унга онасидан «мерос» эмиш...

Аввалига тенг-тўшларини, ҳатто кап-катта кишиларни лақиллатиб юрди. Шунақа алдамчилигидан, товламачилигидан ўзича лаззатланадиган бўлди. Таассуфки, ҳаммаям у ўйлаганчалик содда эмаскан. Одамига тушганида кўзи мошдек очилди-қўйди. Кимнидир чув туширмоқчи эди, ўзи тузоққа илинди. Ожизлиги шунда билинди. Барзанги эркакнинг бақувват қўлларидан осон қутулишнинг иложи бўлмади...

Ўша барзангига ҳеч қанақа сеҳру-жодуларнинг таъсири бўлмади.

Ўзини алданган, ҳақоратланган ҳисобларди-ю, бу ҳақда бировга чурқ этмасди. Айб ўзида. Гап-сўз ёмон-да. Яхшиси, «йўлини» топди. Ўзи айтгандақа «лўҳ»лардан биттасини илинтирди. Икки ойлик ҳомиласи билан Норзод деган йигитнинг бўйнига осилди. Бехудага қамалиб кетишдан ҳайиққан Норзод такдирга тан берди. Маҳалланинг юзи-кўзи учун тўй қилди. Шундан сўнг жодугар хотинидан қутулиш йўлларини ахтарган бўлса не ажаб? Салиманинг эса жодуси «кучи»ни кўрсатди: тўрт йилда болани қаторлаштирди. Сўнг Норзодни, бошқа бир сеҳр — ажал қутқарди...

Жодугарликка иноннган қўшни аёллар хўб ғаройиб хулоса чиқардилар: ўзгаларга қилинган тажовузкорона сеҳру-жодулар, тескари илму-амалларнинг касри эрига уриб кетди, дейишди. Тасодифми ёки ҳақиқат: бир-икки кун илгари Салима кимларнингдир эшиклари тагига кулга ўхшаш нарсалар, қандайдир қайчиланган тирноқлар, ниналар ташлаб келган. Хонадон соҳиблари бундан хабар топишиб, қайтарма қилдиришибди.

Хириллаброқ нафас оладиган бу бақалоқ хотиннинг: «жодугар»лик қуроллари шу: иқирт тирноқлар, занг босган ниналар, кулга ўхшаш кўнгилни оздирувчи нарсалар. Эмишки, чаён каби у кимгадир «заҳри»ни сочиб турмаса, ўзига «юк» тушармиш... Шул боис, у турли идораларда фаррош-маррош бўлиб ишлаган кезлари полларни артиш, тозалаш билан бирга ўша идора ходимларининг иш столларига, стуллари тагига иқирт «заҳар»ларини сочиб юраркан. Сўнг, бирор тасодиф бўлиб, ўша ходим ишдан кетса ё бемор бўлиб қолса, ўз «жодусининг зўр»лиги деб енгил тортаркан...

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида тайёрланган видеофильмни кўрган бўлсангиз шунга ўхшаш лавҳа бор: Нури исмли аёл муштдек нарсага ҳадеб нина санчаверади ва буларни Гулнорнинг бошига санчяпман, дея вайсайверади. Эҳтимол, Салима ҳам ойнаи жаҳон орқали ўша саҳна асарини томоша қилиб... жодугар бўлиб қолгандир?

На илму-фанда, на дину исломда инсон ҳаётига, ақлу заковатига тажовуз қиладиган бунақа «жодугар»лик ёзилмаган. Бу — маънавий қашшоқ, маърифатсиз банданинг ўзини ўзи овунтиришдан бошқа нарса эмасмикин?! Худо кўрсатмасин, шунақа жодугарлик рост бўлганида рўйи заминни жаҳолат эгаллаган бўлмасмиди?.. Ёдингизда бўлса беш-олти йил бурун «экстрасенс»ман деганлар кўпайиб кетганди. Қаёққа қараманг, қўлларини ғалати ўйнатганча «руҳий даволовчилар» босиб кетганди. Ундан илгарироқ «самовий ликопча»ни кўрдим дегувчилар кўпайганди. Мана, осмондан ликопчаям тушмай қўйди, қўлларини беўхшов силкитиб «даволайдиган»лар ҳам кўринмай қолди. Тўрт-беш кун «йўқолиб» сўнг «ўзга сайёраликлар» билан «мулоқотда бўлиб келгани»ни важ-карсон қиладиган қизлар ҳам жимиб кетдилар. Хуллас, вакт деган олий ҳакам нарсанинг сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарди.

Сиз бунга нима дейсиз?

Қуёш нури тушмаган коваклларда қурт-қумурсқалар ғимирлашгани каби маърифат, маънавият ёғдусидан йироқ кимсалар кўнглида қандайдир фиску-фасод пайдо бўлиши шубҳасиз. Шулардан бири — Салима ўйлаган, «кашф» қилган жодугарлик...

Касбимиз тақозосига кўра турли кимсалар билан ҳам гурунглашамиз. Буни қарангки, Қибрайдаги катта кўчада қавму динимиз бир бўлган ўша Салима ҳай-ҳайлаб тўхтатса денг. Бақамти сухбат қуришга тўғри келди. Ўзини жа-а сиёсатни биладиган қилиб кўрсатган кўйи минғиллади:

— Ҳозир ҳам ошкоралик замонимми, укажон?

— Ошкоралик таъқиқланган эмас...

— Мен айтганларни газетага ёзиб чиқароласизми? — тиришган пешонасини баттар тириштириб сўради бақалоқ хотин. — Баъзи гуноҳкор бандаларнинг жазосини бериб қўйишимни ёзасизми? Бойиб кетаётган кишиларнинг оёқларини икки кунда осмондан қилиб қўя оламан. Изларини топиб, пичоқ билан кессам, авариягa йўлиқиши мумкин. Суратига куфсуф қилсам, уйида тинчи бузилади. Иш столи остига кул сочсам, мансабидан айрилади. Ўтирадиган жойига тирноқ ташласам, қўли боғланиб, ишидан совийди. Ўзимга оғдириб, бошини «боғлаб» олишнинг ҳам йўли бор...

Бошим гангиб, кўзларим тиниб кетди. Нафратимни зўрға ичга ютганча, йўлимда равона бўлдим. Катта кўчада бақалоқ хотин билан ади-бади айтишишдан хунуги борми? Таассуфки, Салима ортимдан қаҳ-қаҳ уриб қолди:

— Ҳа, — айтмадимми, ошкораликдан қўрқасиз, деб. Билсайиз, сизга бекорга гапирмадим, бошийиззи шунақа айлантирайки... ва-ҳа-ҳаҳа...

Бироқ кўп ўтмай ишхонамизда ғалати воқеалар содир бўлди. Ўн етти ёшлардаги Мафтуна исмли қиз иш сўраб келди. Имкониятимиз йўқлигини тушунтиришимизга қарамай у беш-ўн кун ўралашиб юрди... Ижодий ташкилот эмасми, кимлар келиб-кетмайди, дейсиз...

Бир куни хонамдаги суратим йўқолди. Сўнг, баъзи нарсаларимиз гумдон бўлаётганини сезиб қолдик. Шундан кейин ҳалиги қиз ҳам жуфтакни ростлаб қолди. Билсак, у Салиманинг қизи экан...

Ҳар нарсани «мавзу» деб қоғозга туширавермасдим. Салиманинг қиликлари аслида сариқ чақага ҳам арзимайди. Бироқ гоҳо алданиб ё лаққа ишониб қоладиган соддадил кишиларни ўйлаб қоламан. Адоват уруғини сочувчи, иссиқ-совуқ қилишда «чиранувчи» кимсалар аслида ўзларини ўзлари аврашаётганини элга ошкор қилгим келаверди. Буни, наздимда, ўз номи билан ошкоралик дейиш мумкин. Салиманинг «жодугар»лиги ҳақидаги ошкора гап шу.

Хўш, сиз бунга нима дейсиз?

Тўлқин ЭШБЕК.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

«ЛОЧИН» СИНОВДА

СИЗ УШБУ суратда кўриб турган бу футбол жамоаси Зангиота туманининг «Лочин» клуби аъзоларидир. Улар ўтган йили вилоят биринчилигида ғолиб келиб, Андижонда даъвогарлар ўртасида ўтказилган беллашувларда қатнашиб, мамлакат биринчилигининг биринчи табақасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритгандилар. Бу йил «Лочин» кучлилар гуруҳида илк бор синовдан ўтади. Жамоа бош мураббийси Валерий Василенко, жамоа мураббийлари Абдуваҳоб Азимов, Фурқат Акбаров ва ўйинчилар ана шу имтиҳондан қандай ўтишларини мавсум ўйинлари аниқлаб беради.

Биринчи гуруҳ иштирокчилари илк бор майдонга 2 апрель куни тушадилар.

Даврон АҲМАД сурати.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Ўзбекистон боксчилари учта йирик халқаро мусобақада муваффақият билан иштирок этиб, бешта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза — жами тўққизта медал билан қайтдилар.

— Неапол шаҳрида «Италия» анъанавий халқаро 15-боксчилар турнирида соврин учун 16 мамлакат спортчилари беллашди, — деб ҳикоя қилади Осиё бокс уюшмаси Вице-президенти, республика бокс федерацияси раҳбари Владимир Шин. — Ҳар бир мамлакатдан 12 спортчи қатнашди. Бизнинг терма командамиз энг кам сонли, атиги беш кишидан иборат эди. Шунга қарамай, боксчиларимиз ютуғи салмокли бўлди — андижонлик Руслан Чагаев ўз вазн тоифасида (91 кг.) ғолиб чиқди. Унинг юртдоши Сергей Михайлов кумуш медалга даъвогарлик қилган эди, лекин ярим финалда Европа чемпиони — итальян Педро Ауринога утқазиб қўйиб, бронза медал билан кифояланди.

Шундан сўнг командамиз Чехиядаги халқаро мусобақада иштирок этди. 15 мамлакат спортчилари қатнашган бу турнирда Кувонч Тайганбоев ўз вазн тоифасида (67 кг.) энг кучли эканини кўрсатди. Руслан Чагаев эса финал учрашувда рақиби — украиналик Владимир Лазепникни уч марта нокдаунга учратиб, олтин медални қўлга киритди. Сергей Михайлов Европа чемпионати финал ўйинлари иштирокчиси поляк Томас Боровский билан учрашувда кумуш медални қўлга киритди. Дилшод Ёрбеков медал олололмади, лекин у яқинда Германияда бўлиб ўтган турнирда ғалаба қозонган кубалик Дукенция Пародис билан ажойиб «жанг» қилди. Умумкоманда ҳисобида Ўзбекистон терма командаси тўртинчи ўринни олди.

Спортчиларимиз Эронда бўлиб ўтган «Халқаро бокс уюшмаси президенти кубоги» учун мусобақада ҳам иштирок этдилар. Чиркиздаги республика олимпия ўринбосарлари билим юртидан Икром Бердиев ва андижонлик Махамат Абдуллаев бу турнирда ўз вазн тоифаларида биринчиликни эгалладилар. Тошкентлик Ян Кульков кумуш медал олди.

Боксчиларимизнинг бу халқаро мусобақалардаги муваффақиятли иштироки 2000 йилда Австралияда ўтадиган олимпия ўйинларига тўғри тайёргарлик кўрилаётганини кўрсатди. Боксчиларимиз апрель ойида Таиландда Қирол кубоги учун мусобақада қатнашиб, яна бир жиддий имтиҳондан ўтадилар.

С. ТЕН, ЎзА мухбири.

Футбол

МЕЗБОНЛАР УСТУНЛИГИДА

• Чемпионнинг мағлубияти • «Сурхон» «ҳақи»ни талаб қилди • Ютиб туриб ютқазишди • Саккиз учрашувнинг 5 тасида бир хил натижа

ЯНГИ ФУТБОЛ мавсуми бошланиш арафасида «Хоразм» жамоаси олий табақа қатнашчилари сафидан жой олганлиги муҳлислар учун кутилмаган янгилик бўлса-да, иккинчи омадсиз жамоа бўлган Термиз армиячиларининг бундай «илтифот»дан маҳрум этилганликларидан таажжубланган эдилар. Ҳақиқатан ҳам бир жамоага ён бериб, иккинчи клубни кучлилар гуруҳига киритмаслик адолатсизлик эди. «Ҳечдан кўра кеч бўлгани яхши» деганларидек мавсум бошлангандан сўнг янги ном олган Термизнинг «Сурхон» футболчилари ҳам олий табақада қатнашишлари тўғри бўлди. Шундай қилиб бу йилги мамлакат VI биринчилигида аввалда кўзланганидек 16 жамоа эмас, балки 18 команда қатнашадиган бўлди.

Ўтган йилги биринчилик ғолиби бўлган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасининг ғолибона одими мухлислар ёдидан кўтарилганича йўқ. Олтин медалларни қўлга киритган наманганликлар 19 тургача мағлубият нималигини билмай, 20-турга келиб Фарғонада «Нефтчи»га кескин курашда 1:2 ҳисобида ён берган эдилар. Мана, чемпион бу йилги мавсумнинг бошидаёқ майдондан бош эгиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Самарқандда «Афросиёб» билан бўлган ўйинда наманганликлар 2 та, мезбонлар эса битта тўп киритдилар. Бироқ учрашув 2:1 ҳисобида «Афросиёб» фойдасига тугади. 34-дақиқада А. Винников ҳисобни очди. 73-дақиқага бориб «Навбаҳор» ҳимоячиси Марат Дилмуҳамедов ўз дарвозасига киритилган тўп муаллифи бўлди. Ҳисоб тенглашгач, майдон эгалари ҳужумга зўр бердилар ва орадан уч дақиқа ўтгач Олим Тиллаев наманганликлар дарвозасига ғалаба келтирган иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди.

Вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси Фарғонада «Нефтчи» меҳмони бўлди. 10-дақиқада Фарид Хабибулин ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. 35-дақиқада Р. Бозоров вазиятни тенглаштирди. Ҳисоб 1:1. 58-дақиқада мезбонлар ўз жарима майдонларида қоидани бузишди. Бироқ Ф. Хабибулин бу имкониятдан фойдалана олмади. Ўйин охирлаб борарди. Ҳисоб эса 1:1. 87-дақиқага борганда Шуҳрат Шамсиев «Нефтчи»га ғалаба келтирган иккинчи тўпни киритди.

МҲСК, «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари икки турдан сўнг 6 тадан хол тўплаб пешқадамликни қўлга олдилар. «Пахтакор» сафарда «Андижон» жамоаси меҳмони бўлди. 25 ва 52-дақиқаларда Собир Ҳодиев мезбонлар дарвозасига киритган 2 та тўпига Т. Муминов 55-дақиқада ўн бир метрдан битта жавоб тўпи қайтаролди холос. МҲСК футболчилари «Атласчи» жамоаси устидан 4:2 ҳисобида ғолиб келдилар. Армиячи Ойбек Усмонхўжаев иккита тўп муаллифи бўлди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Насаф» — 2:1, «Бухоро» — «Зарафшон» — 2:1, «Янгиер» — «Чилонзор» — 0:1, «Трактор» — «Косонсой» — 1:0.

Эътибор берган бўлсангиз, иккинчи турда 8 та ўйиннинг бештасида бир хил — 2:1 ҳисоби қайд этилди. Тўрт ўйинда мезбонлар ана шундай ҳисобда устун келишган бўлса, бир баҳсда омад меҳмонларга кулиб боқди.

Икки турда ўтказилган жами 16 та ўйиннинг фақат биттасидагина ҳисоб очилмай, дуранг натижа қайд этилди. Қолган 15 учрашувда муҳлислар ўйингоҳдан «қуруқ» қайтишмади. МҲСК ҳужумкор ўйин кўрсатишга бел боғларан кўринади. 2 та ўйинда рақиблар дарвозасига 7 та тўп киритиш осон эмас.

Бугун учинчи тур ўйинлари ўтказилади. «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна» футболчиларини қабул қилади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ОБ-ҲАВО

ҚЎЗИҚОРИН МАВСУМИ БОШЛАНДИ

27 мартдан 30 мартгача бўлган вақт мобайнида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида гоҳ булутли, гоҳида иссиқ ҳаво кутилади. 26-28 март кунлари қиска муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Момақалдироқ бўлиши мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда сониясига 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳаво ҳарорати кечаси 8-13 ва 5-10 даража илиқ ўртасида, кундуз кунлари 17-22 даража иссиқ бўлади. Ёмғир пайтларида 12-17 даража илиқ бўлиши мумкин.

МОДА БАЙРАМИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Баҳор — ёз — 97» модалари намойиш қилинди. Уни Ўзбекистондаги «М. А. Компани» ихтисослашган фирмаси Тошкент халқаро хотин-қизлар гуруҳи ҳамда Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ёрдамида ташкил этди.

Театрлаштирилган томоша шаклида ўтган бу кўрикда трикотаж кийимларни тақдим этган республика моделлар уйи, «Юлдуз» фирмаси, бошқа тикувчилик корхоналари, кийим-кечак салонлари, хусусий коллекциялар эгалари иштирок этди. Республикамиз ва Қозоғистон моделчилари ҳам ўз ишларини кўрикка тақдим этдилар. Томошабинлар баҳор-ёз мавсумига мўлжалланган кундалик кийимлар, тўй либослари ва оқшом кийиладиган кўйлаклар, эркаклар костюмлари, одатдаги ва янгича трикотаж буюмлар, чарм маҳсулотларни томоша қилдилар. Ғолибларга ҳомийларнинг совринлари топширилди.

Бундай мода байрамларини ҳар йили ўтказиш назарда тутилмоқда.

(ЎзА).

ДИҚҚАТ!

«Чиноздон» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг навбатдаги умумий йиғилиши 1997 йил 28 март куни соат 15.00 да жамият идораси биносида бўлади.

Кун тартиби:

1. «Чиноздон» ОТАЖ бошқарувининг 1996 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи.

2. Тафтиш комиссиясининг хулосалари ҳақида.

3. Дивиденд миқдорларини тасдиқлаш.

4. Бошқа масалалар.

«Чиноздон» АЖ бошқаруви.

Чиноз туманидаги Чернишевский номидаги 5-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Фарҳод Сирожиддинов номига берилган 001437 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Паркент тумани ҳокимлиги ёзувчи Ҳайриддин Султоновга падари бузруквори **Мадриддин СУЛТОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилоят «Тадбиркорбанк» жамоаси банк ходимлар бўлимининг бошлиғи Т. Юсуповга умр йўлдоши **Насибахон ая ЮСУПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0146. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 17.693 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6